

Мерос олиш сабаблари ва унинг рукнлари



12:19 / 28.05.2024 2162

Кишига мерос олиш имкониятини берадиган сабаблар учтадир:

- 1. Ҳақиқий қариндошлик** (насаб боғланиши). Булар – ота-она, фарзандлар, ака-укалар, амакилар ва бошқалардир. Қисқа қилиб айтганда, ота-она ва фарзандлар ҳамда уларга мансуб бўлганлар.
- 2. Никоҳ.** Бу – эр-хотин ўртасидаги тузилган саҳиҳ ақдномадир. Гарчи никоҳдан сўнг духул ёки хилвати саҳиҳа бўлмаса-да, никоҳнинг ўзи мерос олиш сабабларидан бири бўла олади. Аммо фосид никоҳ ёки ботил никоҳ орқали (эр-хотин) асло бир-биридан мерос олиш йўқ.
- 3. Вало.** Бу ҳукмий қариндошлик (яъни ҳақиқий эмас) бўлиб, озод қилиш валоси ва неъмат валоси дейилади. Унинг сабаби – озод қилувчининг озод қилган қулига инъомидир. Агар хожа қулини озод қилса, «озод қилиш

валоси» дейиладиган риштани – робитани қўлга киритади ва мана шу сабаб орқали мерос олади, чунки хожа қулига саховат кўрсатиб, унга ҳуррият ва инсонийликни қайтариб берди. Бундан олдин у қулга безабон ҳайвонга қарагандек қарашар эди. Шунинг учун ҳам шариат қулнинг ўлимидан сўнг хожасини унга меросхўр бўлиш билан мукофотлади. Агар озод қилинган қулнинг қариндошлик жиҳатидан ҳам, эр хотинлик сабабидан ҳам меросхўри бўлмаса, ундан қолган меросни уни қулликдан озод қилган мавлоси олади.

Мероснинг рукнлари

Мероснинг рукнлари учтадир:

- 1. Мерос қолдирувчи.** Бу вафот этган киши бўлиб, унинг вафотидан сўнг ортидагилар ундан мерос олишга ҳақли бўладилар.
- 2. Мерос олувчи.** Бу юқоридаги ўтган насаб жиҳатидан қариндошлик, эр-хотинлик ва бошқа сабаблар билан мерос олишга ҳақли бўлган кишидир.
- 3. Меросга қолган нарса.** Бу марҳумдан қолган мол, кўчмас мулк ва бошқа нарсалардан иборат меросдир. Марҳумдан унинг меросхўрларига қолган нарсалар ирс, турс, мерос ва тарика номлари билан ҳам аталади. Буларнинг маъноси бирдир, яъни марҳумдан меросхўрларга қолган нарсадир.

«Ислом шариатида мерос илми» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5163-рақамли ҳамда 2022 йил 27 сентябрдаги 03-07/7348-рақамли хулосалари асосида тайёрланган.